



Халоллик тушунчаси Ислом кишиларининг хаётида мухим ўрин тутади, сабаби шариатда Аллоҳ буюргани (ёки рухсат бергани) халол, кайтаргани (ёки ман килингани) харомдир. Охирги пайтларда одамларимиз (мусулмонлар) савдо – иктисадий, молиявий ёхуд хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича иш бошлишидан аввал бу соҳани канчалик шарий талабларига жавоб бериши хакида кизикмокдалар.

Ислом мамлакатлари ва ахолисининг кўпчилиги мусулмон бўлган давлатларда талаб ва таклиф давлат микёсида шариат коидаларига биноан халол ва харомга эътибор берилиш сабабидан барча мусулмонлар жумладан дехкон ва чорвадорлар ўз ишларида халол ва харомни тафтиш килишга эхтиёжлари йўқ әди.

Мусулмонларни бошка юртларда хижрат килиши, дунё бўйлаб сайр –саёхат килиши ортидан кўп махсулотлар жумладан озик-овкат гўшт махсулотларини етиштириш ва тайёрлашда ислом шариати талабларига мос келмаслиги демакки мусулмонлар истеъмол кила олмаслиги холатига дуч келдилар. Бу юртларда (мусулмонлар умумий ахоли сонига нисбатан озчилик бўлган давлатларда) мусулмонларни халол озик-овкат билан таъминлаш ва саноатда ишлаб чиқарилган махсулотлар халоллигини тасдиқлаш эхтиёжи пайдо бўлди.

“Халол” – дегани бу энг аввало кўрсатилган хизмат ёки махсулотнинг инсон соглигига фойдаси, хавфсизлиги, тозалиги, озик-овкат махсулотларининг зарарли консервантлар ва кўшимчалардан холи бўлишилиги, истеъмол учун ярокли эканлиги ва саклаш муддатига эътибор беришдир.

Халол билан харомнинг фаркини билишлик шунингдек шубҳали холатларни тафтиш килиб юришлик мусулмон кишининг бурчидир.

Турли давлатларнинг харбий кўшинлари мусулмон зобитлари чўчка гўшти ёки шариат коидалари асосида сўйилмаган гўшт солинган овкатларни истеъмол килишмайди. Худди шу сабаб билан мусулмонларнинг кўпчилиги умумий ошхоналарда гўштили таомларни истеъмол килишмайди, кўпроқ балик гўштидан тайёрланган егуликларни маъкул кўришади.

Россия мусулмонлари орасида колбаса махсулотларини истеъмол килса бўладими –деган савол кўп кайтарилади. Худди шунга ўхшаш оёк кийим тайёрлашда чўчка терисидан фойдаланиш хам кўп баҳс мунозарарага сабаб бўлади. Маълумки харомлиги сифатидан чўчка терисидан тикилган оёк кийим мусулмонлар учун яроксиздир. Гайридин давлатларда ёхуд дунёвий давлатларда шариат коидалари асосида иш юритувчи банк тизими ривожланмаганлиги хам мусулмонлар учун жиддий муаммолардан биридир.

Юкоридаги муаммоларнинг мавжудлиги ушбу муаммоларни хал этишни ўз зиммасига олган халол- индустря тизимини яратиш гоясини пайдо килади.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида хам, махсулот ишлаб чикариш соҳасида хам ислом шариати талаблари асосида иш юритувчи ширкатларга талаб катта. Халол ёхуд истеъмол учун яроксилиги аник бўлган махсулотлар каторида шубҳали махсулот ва хизматлар мавжудки уларни тафтиш килиб, истеъмол учун ярокли (сертификациялаш) ёки яроксиз эканлиги хакида хулоса килиш керак. Баъзан халол ва харомни аниклаш мушкул бўлади. Бундай холатларда мусулмонлар шубҳадан холи бўлиш максадида ушбу хизмат ёки махсулотдан тийилганлари маъкул.

Колбаса

Хар кандай инсон диний эътиоди асосида ўзи истеъмол килмокчи бўлган махсулоти сифати ва таркибини ўрганиш ва танлаш хукукига эгадир.

Масалан колбаса махсулоти ислом кишиси истеъмолига ярокли бўлиши учун у рухсат берилган хайвон /халол / гўштидан шариат коидалари асосида сўйилган бўлиши талаб этилади. Жумладан ўлимтик гўшти харомдир ва ишлатишга рухсат берилмайди.

Халол махсулот тайёрлайдиган ускуналарга халол бўлмаган махсулотлар (масалан чўчка ёки ўлимтик гўшти) тушиши мумкин эмас. Булар умумий коидалар бўлиб, бундан ташкари кўпгина шарий талабларни бажариш керак бўлади.

Хакикий ва калбаки халол.

Колбаса ёки хар кандай “халол”лик белгиси кўйилган махсулот хакикатдан хам халол эканлигига кафолат бўла олмайди. Айникса хозирги кунда инсон хаёти учун зарур бўлган дори-дармонларни калбакилаштираётган каллоблар учун халоллик белгисини калбакилаштириш жўн ишдир.

Россияда халол хаёт тарзи.

Кўпчилик давлатларда “халол”лик белгиси остида ишлаб чикарилаётган махсулотлар сертификация килинади ва “халол”лик сифати доимий назорат остида бўлади. Коида бузувчилар катта жаримага тортилади. Россияда “халол” махсулот ишлаб чикариш йўлга кўйила бошлаганига энди 10-15 йил бўлди. Америка ва Европа давлатларида халол махсулот жамоатчилик хаёт тарзининг бир бўлагига айланиб ултурган бўлса, Индонезияда ахоли эхтиёжидаги махсулотнинг 80% “халол”лик сертификацияси билан сотилади. Россияда эса “халол” кафе, дўконлар якиндагина пайдо бўла бошлади. Охири вактда тўй ва маракаларни ихтисослашган тўйхоналарда эркак ва аёллар алоҳида хоналарда ислом маданияти асосида ўтказиш урф бўлмоқда.

Россияда фукаролик жамиятининг бир бўлаги сифатида халол хаёт тарзини ташкил этишда молиялаштириш (инвестиция) шунингдек банк тизимида шариат коидаларига амал килувчи операцияларни ривожлантириш мухим омилdir .

Дунё иктисодиятида шариат коидаларига амал килиш кўшимча даромад манбаси ва келажаги порлок соҳа эканлигини кўпчилик эътироф этмоқда. Кўпгина молия (жумладан банк) ташкилотлари бу йўналишда ташаббус кўрсатмоқда. Россияда бошловчилар каторида “Экспресс” банки шариат талаблари асосида хизмат кўрсатишни ривожлантириш дастурларини амалда кўлламоқда.

Озодалик ва хавфсизлик.

Спиртлик ичимлик ва чўчка гўштидан воз кечишни “халол”лик белгиси деб тушунганлар катта хато килишади. Сабаби:

“Халол”лик бу ислом кишисининг хаёт тарзи бўлиб, Аллоҳ буюрганини килиш, кайтарганидан узоклашишdir, бу коидага риоя килиш эса ТАҚВО деб аталади. Аллоҳ кайтаргани эса харомdir.

“Халол”лик - истеъмол махсулотларининг инсон соглигига фойдаси ва хавфсизлиги, махсулотларда хар-хил заарали кўшимча консервантлардан воз кечиш хамда уларнинг истеъмол учун яроклилиги, саклаш муддатига риоя килинишиdir. Турмушдаги озодалик мусулмонлар хаётининг хар соҳасида халоллик шартларидан биридир. Истеъмолдаги гўшт ва бошка махсулотларга нисбатан санитария назоратчиларининг талаби хам халол стандарт талаблари билан хамохангdir.

Канчалик кўп инсонлар ўз харакатида хусусан савдо-иктисадий фаолиятида Аллохнинг розилигини ўйласа икки дунё саодатини кўзласа, халол хаёт тарзига интилса халол ишлаб чикириш ва халол хизмат кўрсатиш соҳаси шунча ривожланади.

“Халол”лик сертификати.

Ўз афзалликлари билан бугунги кунда мусулмон бўлмаган кўпчилик тадбиркорларни хам кизиктириши келажак ”халол” (ишлаб чикириш, ва хизмат кўрсатиш) бизнес томондалигини кўрсатмоқда. Бу дегани халол бизнес юритиш тартиб коидаларини ишлаб чикирувчи ва назорат килувчи гурухлар тузилишини такозо этади. Бугунги таркоклик ўзгаришсиз колиши мумкин эмас.

Индонезия Малайзия ва шунга ўхшаш давлатларда четдан олиб келинадиган барча махсулотлар халол стандартига мос бўлиши шартлашилган бўлиб, шу асосда чегара кўригидан ўтади. Ушбу давлатларда ишлаб чикирадиган махсулотлар хам халол стандартга мос бўлиши конун билан кафолатланган. Ушбу тажрибаларга таяниб иш ташкил килиш максадга мувофик буларди.

Жамиятимиз олдида турган масалаларни бири халол махсулот ишлаб чикирувчи ва хизмат кўрсатувчиларга халол стандарт-сертификациясини бериш хукукига эга бўлган (давлат) кўмитасини тузиш. Бундай кўмитада дунёвий ва ухровий олимлар, шифокорлар, ишлаб чикириш мухандислари, иктисадчилар в бошка касб эгалари аъзо бўлиб, халол бизнесда назорат органи вазифасини бажарса.

Хар кандай инсон ўз соглиги ва калб мусаффолиги учун фойда бўладиган махсулот ёки хизмат тури излашга хаклидир. Халоллик бу талабга жавоб бўла оларди.